

Ўзбекистон Республикаси  
 бюджет тизими  
 бюджетларининг газна  
 ижроси қоидаларига  
 8-илова

2022 й. "20"09 "PROGRES PROF STROY" МСНҲ ва Ромитан тумани Ромитан туман Хоқимлиги  
 билан 134 775 000 умумий суммадаги № 148156-сон шартномага  
**ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ**

Боб 135

Шахсий газна ҳисоварағи: 400122860062427011204018002

(сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	7011 204 018 (42 99 990)	...(*)	...(*)	
Январ				
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр	134 775 000			134 775 000
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>134 775 000</b>			<b>134 775 000</b>

Жами; 134 775 000 (Бир юз уттиз тўрт миллион етти юз етмиш беш минг) сум сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 40 432 500 сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан 30 фоизи 2022 йил сентябр ойида тўланиши лозим.



Раҳбар

  
(имзо)

А.Очилов

Бош ҳисобчи

  
(имзо)

Н.Шарипов

Фазначилик бўлинмаси  
 ходими қабул қилди  
 2022 й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(имзо)

Бюджетдан маблағ олувчи  
 ходими қабул қилди  
 2022 й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(имзо)

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 148156

Ромитан туман

«20» «сентябрь» 2022 йил

«PROGRES PROF STROY» MCHJ, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади, узининг низоми асосида иш юритувчи О.Азимова номидан, бир томондан ва Ромитан туман Хокимлиги, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбар А.Очилов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Наименование продукции-	Ед. изм	Кол-во	Цена без НДС	Сумма без НДС	Ставка НДС 15%	Сумма с НДС 15%
1	Брусчатка 40*30 см.	Кв.м	2250	60 782.61	117 195 652,17	17 579 347,83	134 775 000
<b>ЖАМИ</b>							<b>134 775 000</b>

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «30» «сентябрь» 2022 йилгача

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 134 775 000 (Бир юз уттиз тўрт миллион етти юз етмиш беш минг) сўми ташкил этади.

2.2. Сотиб олинadиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг сентябрь ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил "30" сентябр гача амалга оширилади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпلامда ярқисиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олинishi зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди:

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

### **6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. Мазкур шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 122-моддаси ҳамда ЎзР Молия Вазирлигининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган “Бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси қодалари” (2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан Адлия Вазирлигидан рўйхатидан ўтказилган)га асосан шартнома тегишли тартибда газначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил «31»декабрьгача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

### **7. Тарафларнинг жавобгарлиги**

7.1. Агар сифатсиз маҳсулот етказиб берилган бўлса сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчидан: Маҳсулот нархини туширишни, Маҳсулот етишмовчиликларини 10 кун ичида сотиб олувчининг харажатисиз коплашини, агар харажат қилинган бўлса уни коплашини талаб қилиши мумкин.

7.2. Агар етказиб берилган товарлар ассортиментини ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки ҳужжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан ақцептсиз тартибда ундириб олинади.

7.3. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи сотиб олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

7.4. Агар маҳсулот етказиб берувчи Ушбу шартномага асосан етказиб бериши лозим булган маҳсулотни етказиб бера олмаса ёхуд сифатсиз маҳсулотларни келишилган муддатда алмаштириб бермаса Сотиб олувчи етказиб берилмаган маҳсулотларни бошқа шахслардан сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

7.5. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

### **8. Коррупцияга қарши курашиш шартлари.**

8.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни тарафлардан бири ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

8.2. Агар шартнома бўйича бир тараф бошқа тарафнинг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: “1008” ишонч телефони, телеграм-канали “@антисорбот” орқали, ёки ҳудудий прокуратура органларига билдириш лозим.

### **9. Форс-Мажор ҳолатлари.**

9.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

9.2. Ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

9.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 15 кун давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

### **10. Келишмовчиликларни ҳал қилиш тартиби**

10.1. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ, томонлар ўртасида келиб чиқадиган, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг ўзаро келишуви ёхуд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

## 11. Бошка шартлар

11.1 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда ЎзР Молия Вазирлигининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган “Бюджет тизими бюджетларнинг газна ижроси қоидалари”( Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га асосан шартнома тегишли тартибда газначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ҳамда 31.12.2022 йилгача амалда бўлади.

11.2 Барча қўшимча ва ўзгартиришлар, ушбу шартнома буйича, ёзма равишда тузилиб томонлар томонидан имзоланиши лозим.

11.3 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхадан иборат бўлиб, улар томонларда бўлади.

11.4 Ушбу шартнома буйича талаб қилиш ҳуқуқи учинчи шахсларга фақат иккинчи томоннинг ёзма розилиғи асосида бўлади.

## 12. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Сотувчи»

«PROGRES PROF STROY» МЧЖ

Манзил: Бухоро вилояти Ромитан тумани  
ATTARON MFY AVLIYOXO'JA QISHLOG'I

Тел./факс 997400050

х/р 20208000905439576001

Банк: РОМИТАН Т., "ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ"

АЖ РОМИТАН ФИЛИАЛИ

МФО 00943 СТИР 308181885

ОКЭД

«Сотиб олувчи»

Ромитан туман Хокимлиғи.

Манзил: Ромитан ш Бухоро кўчаси 3-уй

Тел./факс 55-2-12-06

шҲХ\* 400122860062427011204018002

Ташкилотнинг СТИРи 200978534 ОКОНХ 92310

Бухоро вилоят Газначилик бошқармаси

ЯҒҲ: 2340200300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО:00014

Газначилик булинмаси СТИРи 201 122 919



Раҳбар

О.Азимова



Раҳбар

А.Очилов

ҲУҚУҚШУНОС:

Ф.Шодиев